

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бахоси 3 тийин.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТЛИ БЎЛСИН

**Г СҮМЛИК
ТАЙЁРЛАНД**

Каримов, Юрсиной Хурова, Николай Ковалев виле Иксанов, Гани Юсуби мураббийлар бор. Натда доим шекадамизда таётган бор ишчилар коллективининг шанбалини энг юкори унум С. Ишташга даъват этдилар.

Шу кунни 500 дан ортик ишчи-хизматчи беваси махсуслот ишлаб чиқаришдан буладди. Қолган эса фабрика ҳовлисида

вафас-ағродини тоза
кўна, лозорлаштириш
обдонлаштириш ишлар
дан шуғулланадилар.
туپ дарах ва кўл кўчи
ри ёқадилар. Ишлар
Балиқда тушадиган х
иш ҳақини беш йиллик
дига ўтказадилар.

С. СУЛТОНОВ

ҚАТНАШАДИ

зиға раҳбарлик қили
йича штаблар тузилади.
аъзолари ишчи-қизмат
ўрғасида шамбалиқнинг
мияти, уни ҳар томон

унуну! ы саамарлаи
зишинг мухмилгити х
тушунтириш иллариин
олдирб ююрдалар. К
на буйнча шу кун 800
ортик ишч-хызматчи
тувичили мехнати биле
гулаланди. Хаамаси 4
90 минг сумилик. Уш
шлал чумулила. Уш
минг сумилик тозак к
ган хомаше! ы материи
хисобига тайерлаланди.

Китобни КПСС Марш
Комитети ҳузуридаги м
изм-ленинизм инсти
тайёрлаган. (ТАСС)

Олег Петрович
«ЭВМкомплекс»
бирлашмаси
ихтисослашган
бошқармаси 1-
катта курсатиш
катта инже-
нери.

САВДО ҳодимлари
мукофоти лауреати
Алимбеков Нейматулло
Ҳикматович — Тошкент
торанлар трести «Зар-
шон» ресторанининг ошпа-
ни.



ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИНИ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида
Улуғ Ватан урушида қатнашган
ёзувчиларнинг давра суҳбати

ҲАЛИ ЁЗИЛМАГАН САҲИФАЛАР КЎП

«Шинелли йиллар», «Генерал Равшанов», «Кичик гарнизон», «Қаҳрамон изидан», «Фронт очеркчиси», «Биз енгиздик», «Генерал Собир Раҳимов», «Изларини излаб», «Юрдадаги ўқ», «Волгадан Болтиқ бўйига», «Однинг кечиб... Бу асарларнинг номидек ўзи ҳақида гапириб туришди. Уларни шарҳлаш, мазмунини баён қилишга ҳаттоки бўлмас керак. Кенг ўқувчилар оmmasига яхши таниш, ҳақиқатан ўқийдиган бу китобларнинг муаллифлари Улуғ Ватан уруши бошланганда ёвга қарши қўлга қўрилган, жангга отланган ёзувчиларимиздир.

Уларнинг кўплари ҳозир ҳам саҳифада, ҳамон қайноқ ижод билан машғул. Халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонликлари ҳақида янги-янги асарлар битмоқдалар. Бу фидойий кишиларнинг таржimai ҳоли билан яқиндан танишсангиз уларнинг қалам ва қуролни бир хилда моҳирлик билан ишлатиб, шахсий мардлик намуналарини кўрсатганликлари яққолроқ ҳис этасиз.

Шоир Мақсуд Шайхзода бир вақтлар Зиннат Фатхуллин ҳақида гапириб, ниҳоятда юмшоқ кўнгил, беозор бу адибнинг уруш тўғрисида қанчалик ўзгариб кетганини, «ғазаб тўнини» кийиб душманга шердек ҳамла қилишга тайёр турган марди-майдонга айланишини эслатиб ўтган эди. Фашизмнинг қонқўрғини, беҳад ёвузликларни ёш қари, турли касб ва соҳа кишиларини баварар оёққа туртаган, ёвга нафратни кучайтириб юборган эди.

Ватан осмонда қора булутлар пайдо бўлганда тинч меҳнат билан машғул қаламқашлар ҳам эл қатори фронтнинг олдинги марраларига жўнаб кетдилар. Ўша уруш йиллари уларнинг таржimai ҳолидаги жанговар шовди йиллар бўлиб қолди.

Султон Жўра, Адхам Раҳмат, Мамарасул Бобоев, Аҳмад Бобоқон, Баҳром Раҳмонов ва уларнинг тенгдошлари фронтларда ўз кўзлари билан кўрган

жангу-жадалларни, йигитларимизнинг чинакам ватанпарварликларини жанговар лаҳза, очерк, ҳикоя ва шеърларда маҳд этиб, фронт газеталарида ҳамда Ўзбекистонда янгиб турган матбуот нашрларига юбориб турдилар.

Ёзувчи Мирзакалон Исмоилий беш йил давомида Совет Армияси сафларида хизмат қилганини, Сталинград мудоааси ва Польшани озод қилишда, Берлин учун бўлган жангларда қатнашганлигини ахтирол кўпгина китобхонлар билдиришди. У жангларда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган. Шоир Илос Муслим Сталинград, Калинин, 1-Болтиқбўйи фронтларида оддий аскар эди. Сўнг ўқиб эвзод командири сифатида жангчиларни олға бошлади. 1942 йил кузида Беларусиянинг Витебск тепалигини ҳимоя қилишда ўз эвзоди билан қатнашиб, оғир жараҳатланди. Кейин ҳарбий госпиталда даволангач, қурсаларда таълим олиб яна жангга кирди. Сўнг 1-Белорусия фронтинда қиқиб турган «Қизил Армия» газетасида ҳарбий мухбирлик қилди. У ҳам Қизил Юлдуз ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан фронтдан қайтди.

Ёзувчи Мумтоз Мухамедов фронтда тўғри бўлиб жангларда қатнашди, ўз ҳикоялари ва қиссаларининг қаҳрамонларини олди фронт йўлларида учратди. Улар ҳақида дастлаб ўзи муҳаррир бўлган «Ватан учун» газетасида кўплаб материаллар эълон қилди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ўша кезлар фронт газетасининг давратвор соҳналарини чинақарган, сўнг саёбр, танк қисмларининг офицери сифатида жангларда қатнашган.

Вячеслав Афанасьевич Костиря эса ҳарбий ҳаво кучларининг офицери эди. У Карелия ва совет Заполярьесини озод эттишда матонат кўрсатди. Илк шеърлари фронт газеталарида эълон қилди.

Совет кишиларининг фронт орқасидан ва фронтдаги қаҳрамонликлари ҳақида

қоний тасвирланган «Вафодор» романининг муаллифи Вали Гафуров эса Волга бўйида, шоир Шухрат Кавказда, шоир Назармат Беларусия ва Польшада, адабиётшунос олим Матёкуб Қўшонов Ленинград мудоаачилари сафида жанг қилганлигини, шоир Султон Акбарий диплом олинга улгурмаёқ шинель кийганини ҳам кўпгина китобхонлар билмаслиги мумкин.

Фронтчи ёзувчиларимиз, шоирларимиз ўзлари шохид бўлган, кўрган, бошдан кечирган воқеаларни, бирга жанг қилган қуролдошларини шундай моҳирона ва аниқлик билан тасвирлашадик, бу асарларни тўқинилмасдан ўқиб бўлмайди. Улар халқимизнинг Улуғ Ватан урушидаги иштирокини ёш авлодга тўғалигича етказиб беришни энг биринчи галдаги муқаддас бурчлари деб билдилар. Шу мақсадда тинмай ижодий изланиб, янги-янги қаҳрамонларни кашф этмоқдалар. Ватанимизнинг шарафли, озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бориладиган буюк жанг йилномасининг ҳали оқилмаган саҳифаларига қўл урмоқдалар.

«Тошкент ҳақиқати» редакциясида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан бўлган учрашувда ёзувчилар ўзлари шахсан иштирок этган жанг лаҳзаларини гапириб бердилар. Уруш йиллари Ўзбекистонда Буюк Ғалабани таъминлаш йўлида қилган оммавий ватанпарварликлардан қўллаб қизқариш мисоллар келтирилди. Ҳозирги ижодий режалар билан ўртоқлашдилар. Халқимизнинг қаҳрамонлигини мукаммал тарзда яратиб учун барча ижодий кучлардан тўлиқ фойдаланиш кераклигини таъкидладилар.

Ушбу саҳифада редакцияда бўлган учрашув қатнашчиларига минбар бериш билан бирга давра суҳбати иштирокчиларининг барчасига миннатдорчилик билдирамиз, жангчи шоир ва ёзувчиларимизга узок умр, тетик-бардамлик ва янги ижодий зафарлар тилаймиз.



● СУРАТДА: давра суҳбати қатнашчилари — (биринчи қаторда, чапдан) Мумтоз Мухамедов, Иброҳим Раҳим, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Вали Гафуров, (иккинчи қаторда, чапдан) Илос Муслим, Султон Акбарий, Вячеслав Костиря, Матёкуб Қўшонов, Назармат.

«БРАТЭРСТВА»— БИРОДАРЛИК

Мамлакатимиз нашриётларида буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган асарлар чоп этилмоқда. Жумладан, Беларусиянинг «Мастақкая литература» нашриёти яқинда «Братэрства» адабий тўпламини нашр этди.

Тўпламда Ўзбекистонлик жангчилар ҳақида ҳам материаллар, матълумотлар эълон қилинган.

Ўзбек халқининг атоқли шоири Султон Жўра 1943 йилда қардош Беларусиянинг Гомель областида Днепр дарёсини кечиб ўттиш жангларида катта жасорат кўрсатди.

«Братэрства» тўпламида Султон Жўра шунингдек, Назир Сафаров, Адхам Раҳмат, Мумтоз Мухамедов, Назармат, Омон Мухтор, Хайридин Салоҳ ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг Беларусия ерларида жанг қилган ўзбекистонлик Ватан ботирилари ҳақидаги асарларини намуналар берилган.

З. ЖҲРАЕВА.

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!

(ВОҒЕНИ ҲИКОЯ)

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа шундай рўй берди. 1944 йил июнь ойининг ўрталарида авиация полкимиз шотландия равишда Карелиянинг энг жанубига, Свирь дарёси бўйидаги аэродромга кўчирилди. 21 июнда шу ердан Олоней-Питкяранга, айни шу вақтда Масель томонидан Медвежьегорск—Пойкелла Карелия фронтининг умумий ҳужуми бошланди.

Жангларнинг биринчи кунёқ қўшинларимиз фашистларнинг мудоаа чизиги 5—6 километрдан 16 километргача суқулиб кирдилар. 24 июнда эса душман ўз танич пунктларининг қалин темир-бетонлари орқасига яшириниб олиб, тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатишга қарамасдан Свирь дарёсидан муваффақиятли кечиб ўтишди.

Ладога ва Онега флотилияларининг десант тушириши бизнинг артиллерия ва авиация зарбаларимизга қўшимча бўлди. Натижада 26 июнда Олоней, 28 июнда Петрозаводск шаҳарлари озод қилинди. 10 июнда эса душман ҳимоясининг муҳим узели—Питкярант қўлга олинди. 20 июнда Суоярви, Луисва-ра, Ятляргари ва бошқа посёлалар озод қилиб бўлинган эди.

Июль ойи охирида полкимизга Свирь дарёси қирғоғидаги аэродромдан Суояр-вигача учиб ўтиш буйруғи берилди. Биз бу ерга Петрозаводскдаги аэродромдан қўниб, сўнг учиб келишимиз керак эди.

Самолётларимиз Киров темир йўли устидан учиб борарди. Узоқ Шимолни мамлакатимизнинг марказий районлари билан боғлайдиган бу муҳим темир йўли яқинда бўлиб ўтган жангларда қўлимизга киритилган эди.

Бизни қирувчи самолётлар қўриқлаб бормасди. Уларнинг бошқа жанговар топшириқлари кўп эди. Самолётларимиз бир-биридан анча узоқда, пастлаб учарди.

Режалагандек учиб борардик. Қўзланганидек оқ туналар тушиши олдидан Петрозаводскга қўнишга улгурардик. У ерда бизни кечки оқат ва ҳордиқ кутмоқда.

Авиация қонун-қондасига—учувчи руҳсатисиз самолётни бошқаришга аралашмаслик қондасига риоя қилган ҳолда кабинадаги теёксимон руҳанинг ҳаракатига деярли эътибор бермасдик. У учувчи кабинасидан худди ана шундай руҳанинг ҳаракатларини такрорларди.

Мана олдимизда қўниш майдони ҳем кўринди. Биздан олдин кўнган ПО-2 самолётларининг ҳам илғай бошладик. Биз ҳам пастлаша бошладик. Учувчи қўниш майдони устида «қўтича» шаклини ясаб, самолётни пастласта бошладик. Кабинадаги руҳа олдинга қараб қийша бошлади. Демак, қўнишмиз. Мен узаро сўзлашмиш қўрилмаси ўрнатилган наушникли шлемин еча бошладим...

Шу пайт кутилмаганда учувчи шлемни олдида қандайдир таёқ телага кўтарилаётганини кўриб қолдим. «Бу бошқарув рўқаси-ку! Энди қандай қилиб ерга қўнамиз?»—бу фикр ҳаёлимдан яшин тезлигиде ўтар экан, менга ўғирилган, ҳақи шлемини ечишга улгурмаган учувчининг бор кучи билан қичираётганини кўрдим. Ўзим эса штурман кабинасида олдинга қийшаиб турган рўқасини ушлаб қўнимга қараб торта бошладим. Ниҳоят, самолётнинг бурни ерга нисбатан деярли вертикаль ҳолатдан бизни қўтқара оладиган параллель ҳолатга келди.

Кабинадаги рўқасини жойига ўрнатганимиз самолётни қўниш майдонига устида бир айлантириб чиқ,— деди учувчи.

Командирга нима дейсан?—унинг буйруғини хотиржамлик билан бажарар эканман, шундай савол бердим.

Энди бечора механикнинг ҳолига вой... —Механикда нима айб!— деди яна менга қайрилиб учувчи. Энди қўноққон эди. —Узим ёвдорман. Ахир бу техника меннинг кўз олдимда турди-ку. Эътибор бермабман. Рўқасини қўйиб юбор! Қўнамиз. Уччаламиз қўнамиз! —Учинчиси ким бўлди,— ҳайрон бўлдим мен.

Ким бўлди,— куларди учувчи. —Самолёт-да! Қўтариб қолганимиз учун унинг номидан сиз ўртоқ кичик лейтенант раҳматнома эълон қилганимиз! —У устас бўйича «сизлай» бошладим. Менга ҳам худди унингдек қўноқлик билан уччаламиз учун.

Совет Иттифоқида хизмат қилганимиз— дейишдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди.

Бироқ, тез орда матълум бўлишича, самолётдаги росозлик учун бўлишича, ўз гарданияи олмасам ҳам булар экан. Самолётимизнинг механики ўз ишини жуда пухта бажарадиган эди. Бундай бепарволикке йўл қўймаслигини меннинг ҳам ишончим қонил эди. Шу сабабли самолёт қўниши билан биз иккаламиз бошқарув рўқасини қиқиб кетган жойини кўздан кечири бошладик. Ўша ерда биз яқиндагига ўқ теккан тешикни топдик. Аниқлашимизча, душман ўқи рўқча маҳкамланидиган жойини қилиб кетган экан.

Бу сафар биз осмондагига қараганда ердан кўпроқ ҳафсирашмиш зарур экан. Чунки «мессершмитт»дан сақланганимиз деб, ўрмонга берилиб олган фашист бизга қараб ўқ узганлигини пайқамай қолганимиз. Ҳар қалай Мостовой менга самолётни бошқаришни ўргатиб, жуда тўғри қилган экан. Худди ана шу учувчи иккаламизнинг умримизни, самолётимизни қўтариб қолди.

Русчадан Э. Эрнзаров таржimai.



Откриткага битилган шеър

Фронтда қаттиқ жанг кетганда вақтда хат ёзишга қўғоз, қалам топиш амри маҳол. Лекин жанглар қилинганда бир зум буш қўлган дамба уйга, ёру-бироқларларингга эсон-омон юрганлигини, бошдан кечирган воқеаларинг ҳақида бир энлик матбуот битиб юртингга юборинг келайди.

Сиз юқорида қўриб турган откритка штамп рақамидан матълум. У 1944 йилнинг 22 апрелида ёзилган. Бу вақтда бизнинг қўшинларимиз қардош Польша ерларида гитлерчи боқинчиларга қарши ҳужум жангларини олиб борарди. Мен бу вақтда 1-гвардиячи мото-ўқчи бригадда батайон командирининг хизмат хизматисини буйича ўқиб-оқиб эдим. Нарев дарёси соҳилларида шиддатли жанглар борарди.

Кундузги кучли олишувлардан сўнг оқшомда ертўлада тўп снаряди гильзасидан қилинган жинчиқроқ ёнида батайон старшинаси менга уйга хат ёзган, деб бир дона откритка берди. Мен у откриткага хат эмас, шеър ёзиб «Қизил Ўзбекистон» газетасига, адабиёт бўлимининг мудири марҳум шоир Зафар Диевга юбордим. Бешдан матълумки, шеър газетасида чиққан. Демек, шеър чиққан газетани фронтда ололмадик. Урушдан қайтиб, Тошкентга келганимдан кейин редакцияда, ўзим юборган откриткани топиб олдим. Буюк Ғалабамизнинг қирқ йиллиги арафасида, уруш кезлари юборилган откритка тасвирини ва унда бошланган шеърини азиз газетхонлар, эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Кут, қайтаман

Соғиниб ёр, кутар эмишсан,
Гуллар аро очилиб ҳуснинг.
Уин кўрсам, деяр эмишсан,
Айрилиқдан сиқилиб кўксинг.
Саҳар туриб баҳор боғига,
Қўшиқ қуйлаб борар экансан.
Ҳосилингнинг ҳар бутогига,
Менга атаб боқар экансан.
Жангда қолиб чиқиб борганда,
Қўлогингга шивирлар ўрмон:

Тонгда қуёш кўзин ёрганда,
Эслайсаним, ёрининг ўғли!
Дейман севги кўнгал туйғуси,
Уин сездар узоқдаги ёр.
Тошмасин ёр, севгинг қайғуси,
Кут, қайтаман, қолиб, бахтиёр.
лейтенант Назармат
ЭГАМНАЗАРОВ.
ҳаракатдаги армия,
1944 йил 22 апрель.

СЕН ҚЎШИҚ АЙТАСАН!

Сен қўшиқ айтасан, осмон ёришиб,
Кўнгила қўйлар олам-олам нур.
Сен қўшиқ айтасан, дарёлар тошиб,
Қирларга оқди мамнун ва мағрур.
Сен қўшиқ айтасан, гуллар атридан,
Димоғинг ҳушнуду, дилларинг равшан.
Сен қўшиқ айтасан, шоир сатридан,
Шуълалар ёғилиб, яшайди тулшан.
Сен қўшиқ айтасан, чўққилар қорин,
Боғларга оқди энтикиб зор-зор.
Сен қўшиқ айтасан, кўнгилининг торин
Келажак умидин кўзлар интизор.
Сен қўшиқ айтасан, бу она тупроқ,
Жамол очилар янада кўркам.
Нур билан тўлғаниб яқину йироқ,
Ўзга бир жозоба касб этар ўлкам.
Сен қўшиқ айтасан, ошик-маъшукнинг,
Кўнгила очилар ажиб бир бўстон.
Сеҳри-ю ҳикмати асил қўшиқнинг
Таърифи сизмаган буюк бир дoston!

Сен қўшиқ айтасан, қўнгилдан гўбор,
Тоғдаги тумандек эрийдн секин.
Эришган қўнгилининг не армони бор,
У нафас олади айраб ва эркин.
Сен қўшиқ айтасан, уфқ кенгайиб,
Олислар келайди нуриланб яқин.
Ораунг келмаси оқ елкан ёйиб,
Кўзларда ёнади музаффар чақин.
Сен қўшиқ айтасан, хонамга ёруғ,
Сен қўшиқ айтасан, қочади зулмат.
Ҳар одам мўътабар, шараф, қалб,
Мўъжиза соҳиб туйилар албат.
Сен қўшиқ айтасан, бу ҳаёт меҳри,
Товланб-товланб тиниқ тортади.
Дўстлик деб аталган юракнинг сеҳри,
Ўзга бир кўрк билан қадри ортади.
Сен қўшиқ айтасан, дўст сонини олиб,
Шубҳаю ўқинчлар тонади барҳам.
Орулар қарвони доволар олиб,
Манзилга ташлайди мағрур тик қадам!

БЕЛОРУССИЯ ТАРИХИГА КИРГАН ЮРТДОШИМ

Қачонки мамлакатимизга ғарбдан ёл келса, Беларусия ери орқали келган. Беларусия тупроғи не-не босқинчиларни кўрмади. Ҳаммаси ҳам келишда дабдаба билан борлиқни депсиб, қиримлаган жонини қириб, тирик қолганларини кул қилмоқчи бўлган, аммо биронтаси ҳам мақсадига эришолмаганда, орқасига қайтишда янада қаҳр-ғазаб ва алам билан белорус ерини пайҳон, шаҳар, қишлоқларини вайрон, ўрмонларини кул қилиб кетган. Беларусиядан неча бор уруш ўтган бўлса, бу мамлакат шунча бор «ўлиб» тирилган, қайта қўрилиб, янгитдан тугилган.

Кўп томли Беларусия Совет Энциклопедиясида ҳам ана шу ҳақида ёзилган бўлиб, унинг ҳимоясида қардош халқлар иштироки тўғрисида ҳам қувончли матълумотлар берилган. Айниқса, кейинги урушда, Улуғ Ватан уруши жангларида Совет Иттифоқи халқларининг фарзандла-

ри, шу жумладан, ўзбек йигит-қизлари Беларусия учун жон олиб-жон берганликлари ҳақида дил сузлари ёзилган. Беларусия Совет Энциклопедиясида ўзбек шоири Султон Жўра, фароналик пахтакор Мамадали Тошболатиев каби қаҳрамон байналминалчи инсонлар қаторида Тошкент области, Коммунистик районидаги Кавардон қишлоғи деҳқони Саидусмон Қосимхўжаев ҳақида ҳам мароқли гаплар айтилган.

Машҳур «Вагратин» операциясининг қаҳрамонларидан бири бўлишим, Беларусия тарихига олтин харфлар билан ном ёзилган сержант Саидусмон Қосимхўжаев билан яқинда тасоддиқан учрашиб қолдим. Бир гуруҳ фронтчи-ёзувчилар Коммунистик районидаги уруш ветеранлари иштирокида район ёшлари билан Улуғ Ғалаба тўғрисида суҳбат ўтказишимиз керак эди. Унинг таъкилотчилари учра-

шувни ўзига хос янгича бир усулда режалашдилар. Бир фронтчи-ёзувчи бир маҳаллий ветеран узаро мулоқот орқали ёшлар билан суҳбат қилишлари керак эди. Райондаги уруш ветеранларининг ҳаммаси кўнрақ тўла ордон ва медалларини яқинга, байрамдагидек исаниб, шод-хўррам эдилар. Уларнинг орасида айниқса, икки киши кўзимга жуда иссиқ кўринди. Мен уларни қаердир кўрганман, танишман, аммо қачон ва қерда танишганимни хотирламада йўқ. Уларнинг бири менга қараб-қараб қўйди-да, олдимга келди.

— Мен сизни танимайман. Сиз мени танимасиз. Иккимиз 1939 йили қаҳрамон қишда Виборг йўналишида учрашганимиз. Эсинизда-ми, Маннергейм истеҳкоми чизигида бирга жанг қилганимиз.

Маннергейм истеҳкоми жангларини ёслатувчи бу табаррук ветеран Малик Ўтабеев билан кучоқлашиб қўришдик. Малик Ўтабеев менга ўша вақтда у билан елка-елка жанг қилган жанговар шеринини таништириди. Мана шу дўстим билан бирга эдик ўша вақтда.

Урта бўйли, қадди-қомати келишган, бақувват кўнрақ, сочи оқариб қолса-да, юзи қил-қизил одам менга қулиб боқди-да:

— Саидусмон Қосимхўжаев бўлман,— деди.

У билан кучоқлашиб қўришдик қўшимча, пиджакидаги олтин Юлдуз яқинга кўришдик. Ўттиш жанглар тафсилотларини эслаб, кейин Улуғ Ватан уруши воқеаларига кўчдик. Саидусмон Қосимхўжаевнинг тақдирда катта из қолдирган «Вагратин» операцияси ва унинг бир бурчаида кичик участкада юз берган жанговар воқеа тўғрисида гап кетди.

Белорусиянинг фашистлардан озод қилиш операцияси

ларда довлоран йигитлардан жанговар гуруҳлар тугизла бошланди.

Серант Саидусмон Қосимхўжаев саккиз ботиб билан, биринчи кўнгили штурмчи бўлиб майдонга чиқди. Унинг жанговар руҳини қарининг гарбий қирғоғига сузиб ўтиб, фашистларнинг биринчи линия окопини эгаллашни буюрдилар. Унинг икки ёнида ва орқасидан борадиган гуруҳларга ҳам аниқ топшириқлар бердилар.

Саидусмон қўниш ишга бораётганини жуда яхши биларди. Чунки қарининг нариги бетиде тиш-тирноғича қуролланган, пухта истеҳкомга жойлашиб олган душман ўқ қаринидаги ҳар бир метр ерни аввалдан қараб олиб қўйган, пашша учса ҳам, чумоли ўрмаласа ҳам қириб ташлашга ҳозир нозир турарди. Истеҳкомларнинг «енилмас қалъа» эканига ишонган душман ўзига зев бериб, совет аскарларининг нималарга қодир эканини унутганди. Немис-фашист педантизм совет аскарлари фойдасига ишладди. Қирғоқ қўриқчилари ҳар секторда бир-икки солдат қолдириб ширин уйқуга ётган пайтларида Саидусмон гуруҳи саккиз ботиб авто-

ЖАНГУ МАДХ ЭТАМИЗ



1945-1985

ШУ ЕРДА ЖАНГ ҚИЛГАНМАН

Вали ҒАҒУРОВ.

Сталинграддаги дахшатли жангларнинг бўлиб ўтганига 42 йилдан ошди.

1942 йилнинг июлида биз тушган эшелон Сталинградга кириб борди. Ана ўшанда душманининг бомбардирмончи самолётлари шаҳарни вайронга айлатиришганини ўз кўзим билан кўрган эдим. Қўтичадек бекирим иморатлар бўқсиб ёнмоқда, асфальт ёқизилган кенг кўчаларда ўқим-чуқурлар, қўлаган магазинлар атрофида озиқ-овқат, кийим-кечак, истеъмол моллари сочилиб ётарди. Аҳолидан эса дарак йўқ. Шаҳарда фақат ҳарбий кийимдаги кишилар — жангчиларимиз кўзга ташланарди. Ёнгилмас армиямизнинг жасуриона олиб борган жанглари бир неча ой давом этди. Фашист қўшнлари — фельдмаршал Паулов армиясини қуришб олинди ва таслим бўлди. Мен шаҳарни мудофаа қилишда роппа-рога сача уч оғ қўлнинг олдинги линиясида кўл пулемётчиси бўлиб душманга қарши жанг қилганиман.

Мана, ўша жангларга кўп йиллар бўлди. Бу давр ичиде Ватанимиз Сталинградни қайта тиклади. Бирок айтиш бошқа, кўриш бошқа бўлар экан, жанг даврида босиб ўтган районларни ва Волгограднинг ҳозирги жамолини кўриш иштиёқида ашар эдим. Қўтилмаганда иш ўнгидан келиб орзуларим ушаладиган бўлди. Волянский шаҳридаги пионерлар саройининг қизил изопарлари мен билан алоқа боғлашган эди. Бу хабар Волянский шаҳар партия комитети тинчликни ҳимоя қилиш бўлимига, сўнгра труба заводининг коллективига маълум бўлди. Улар мени хузурига тақдир этишганида дебиҳоя севишиб кетдим.

Бу даврда Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси қисқа метражли фильм тайёрлашга киришган эди. Кинооператор Тўлқин Рўзиев ва унинг ассистенти Ғайрат Шукров билан самолётга чiqдим. Волгоград аэропортидан тақсита ўтириб, «Волянский» меҳмонхонасига жўналдик. Шофёр бизга: «Мана, бу — Тинчлик кўчаси», деб таништирди.

Сталинградни қайта қуриш бошланганда биринчи марта шу кўча ремонт қилинган ва домийи тинчлик бўлини деб унга шу ном берилган эди. Мана бу уруш даврида вайронаси чиққан давлат тегиримини эса қайта тавтайтилган, уни эсдалик учун қолдирилди. Бунини «Павлов уйи» деймиз, сержант Павлов бошчилигидаги бу бўлим жангчилари 58 кун мудофаа қилиб уйни душманга тошпирмаганлар. Мана, бу трактор заводида қарашли район. Анави танкии кўришларимиз? Уруш талом бўлганлиги эълон қилинганда қонвебердан чиққан. Хайдовонда Волга кўпригига етиб борганимизга қақар шу тарихқа аjoyиб воқеаларни эшитдик.

«Волянский» меҳмонхонасидан. Эртаси кун Волянскийдаги тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси Н. П. Орлова, труба заводи комсомол комитетининг секретари Попов, кадрлар бўлимининг бошлиғи Суворовлар билан заводга келдик.

Цехга ҳам яриналиб қолдик — деб гап бошлади завод кадрлар бўлимининг бошлиғи Иван Васильевич

мат, граната ва ёнар шишлар билан қуролланб дарёда аста сузиб ўтидилар.

Сандусмон Қосимхўжаев гуруҳининг ченига тушган жонда икки неми солдати гапийлаб ўтирдилар. Сандусмон киргоққа бағрини бериб кимийб ётди ва сичковлик билан кузатди. Гитлерчилар ҳеч нарсадан беҳабар, ҳатто тумшукларни тағига қолиб ботирилари келиб қолганларини ҳам сезмас эдилар. Уларнинг бири ён чўнтагидан оғиз гармошқасини олди-да, чала бошлади. Унинг шериги эса автоматини брустверга қўйиб, синарета чекишга ҳовирланди. Сандусмоннинг ови юрадиган қулай фурсат туғилди. Унинг ўзи ва икки йигити учовлон афлатда қолган фашист соқчиларини «ғиғ» эткизая «саранжом»ладилар. Шундан кейин оқопни ағаллаб олшига қиришдилар.

Сандусмон гуруҳи юрган уруш оқола кўл пулемёти унси, солдатларнинг жуфтлаша янқилари бор эди. Аввалдан режаллаб олинганича дастлаб пулемёт уясига қирдилар-да, ухлаб ётган пулемётчида гумдон қилдилар. Сандусмон билан яна уч ботиқ фашист солдатларнинг ертўласига граната ташладилар...

И К К И РАХМАТНОМА

Писентга, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси ёзувчи Манжид Самадов номига республикамизнинг турли жойларидан хатлар келиб туради.

Макид Самадов бир неча йилдирки, СССР Мудофаа министрилигининг Подольск шаҳридаги архивда бўлиб, Ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг жанговар хизматларини ўрганиб, улар асосида матбуотда хабар ва лавҳалар билан қатнашиб келмоқда.

Минятдорчилик мактабларидан бири яқинда Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районидан собиқ фронтчи Суннат Қудратовдан келди. Суннат Қудратов Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатганили учун III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланганилини билмас эди. Самадов архив материалларини ўрганиш натижасида уруш қаҳрамонининг ордени билан мукофотланганилини аниқлаган эди.

Суннат Қудратов ўзига III даражали жанговар Шуҳрат орденини топиришганилини маълум қилиб, Самадовга минятдорчилик мактабига йўналди.

Ёзувчи номига яна бир мактуб Фаргона областининг Бувайда районидан келди. Уни собиқ фронтчи Махмуд Давлатов катта минятдорчилик изҳор этиб ёзиб юборибди. Бу жангчи худди шахрисабзлик Суннат Қудратов каби фронтда катта жасорат кўрсатган эди. У жанговар мукофотни ўттиз йилдан кейин Самадов ёрдамида олганилини ёзиб юборган.

Н. ЭҒАМОВ.



ВИТЕБСК ТЕПАЛИГИ

«ЖАНГ ХОТИРАЛАРИ» ДАН

Оғир жанглар борди неча кун, Тепаликлар қўлма-қўл ўтди. Гитлерчилар худди оч қўзғун Еприлишиб, олға йўл тутди.

Қонли жангда ёв бўлди яқсон Гул дийрда кезолмади зог. «Катюша»лар қўтариб тўзон, Ҳамлашарга чорлади байроқ.

Витебск жанги ҳамон ёдимда, — Пааноҳ эди траншеялар. Фашистларни янчиб майдонда Ўқ ёдирди батареялар...

Полк, батальон, взводларимиз, Шиддат билан хужумда ўтди. Пулемёт ва миномётларимиз Ёв галасин тут каби тўкди.

Тумтарақай бўлиб ҳар томон, Тепаликдан ёшлар кечинди. Ёвни енгил учун батамом Берлин сари йўл олдик энди...

Илс МУСЛИМ.

1943 йил, Белоруссия.

Султон АКБАРИЙ

БЎЛСИН ОМОНЛИК!

Мен қиринчи йилларнинг бир жангчи шоири уруш ҳақида кўп ёганман ва ёзганман. Нотанги хотира тўқималари ўзгасдан туриб, XX асрнинг шох трагедияси пардалари ва қўриқчиларини, прологлари ва эпизодларини тарих китобига рўйвот тушириб қолдириш, одамнинг адолатларсиз, қонларсиз, қончиларларсиз, шаҳидларсиз, майибларсиз, низоларсиз, феодалларсиз олижаноб ва мунис яшашга сабр-тоқат билан ўргатмоқ, «уруш» сўзини ҳамма дугалардан ўчириб, ҳатто номини ҳам йўқ қилиб ташламоқ даркор.

Мабодо йигирма миллион фидойилимизга жон ато этилса, улардан шундай нидо келган бўлармиди:

Йўқ, Уруш уч пардали, Олти кўринишли драма эмас.

Ниҳоятда баҳайбат, Ҳеч қандай саҳнага эришмас.

Экранлаштирса алар, Юз серия ҳам бўлмас урпоқ.

Урушни соддалаштирма, Урушда қатнашмаган ўрпоқ!

Ўлганлар номидан сўзлашга Қаҳрамон бўлиш керак. Мангу олов олдиде бўзлашга.

Дош берар қайси юрак. Уруш менгаям расман 1941 йилнинг 22 июнь саҳарида бошланди. Урушга эса, бир йил Мирзачўлдаги «Колхоз меҳнатчи». Чиноздаги «Ленин байроғи» газеталарида масъул котиб бў-

либ ишлагач, ёрдамчи полкда хизмат қила бошладим. Қисиммиз Бокунда тарқадди. Хаммамизни ҳар ёққа тарқатиб юборишди. Дала почталари ўзгарди.

Ҳаракатдаги армияда мен тўқичлик қилдим, разведкачи бўлидим, ҳарбий касб — радиооператорликни ағалладим. Бир қўлда қурол, бир қўлда қалам Шимолйи Канказ ёнлариде, Сталинград оstonаларидаги жангларда қатнашдим.

Менинг жанговар мисралагим уруш йилларида жангчи шоирлар тўпламларида ва «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетаси саҳифаларида босилди. Шеърларим Тошкент радиосида эшитирилиб турди.

Умид — яхши нарса. Лекин мен қирғинбаротдан бутун чиқаман деб ўйламоқдан ҳеч. Ахир, зах оқон ва билимдаларда тунотарликнинг, қор ва ёғинларда эмаклашнинг, ўқ сели остида хужумга қўтарилишнинг ўзи бўлармиди! Хайрият шу суррули онларга, давра даворларга насиба қўшилган экан.

Урушдан кейин «Ярланган қўшчилар» туркумини дастлаганимни, тинчлик курашчилари, Поль Робсон билан баҳс юритганимни, Москвада Нозим Ҳикмат билан учрашиб, «Тинчликни олқиллаш» тўпламида таассуротларни жамлаганимни, Абдирахмон ал Ҳамисий билан Қўҳида қўришиб, унинг «Ғагарин менинг шахримиз» газетасини ўзбекчага ўғирга-

нимни ёзиб ўтирмасам ҳам бўлар, демокриманки, мен мўдм тинчлик соддати. Шундай бўлиб туғилдим, шу йўсинда қолурман. Ниятим, мустахкам, барқарор тинчлик бўсин.

Мен тошкентликман. Олти йил йилдирки, тинчлик ва дўстлик қалъаси Тошкентда, қурраи заминининг шу митти бўлагида яшаб турирман. Мени ҳамшаҳарларимнинг фронтдаги ва мамлакат ичкаридаги фидокорликлари, юксак ватанпарварлик туйғуи, жанг жуда ҳаяжонлантиради. Ана шу тўқилларни «Қон ва шон» деган шеърй романим саҳифаларига туширганман.

Хатимнинг адоғида «Сен урушни билмайсан» шеърини ҳавола этаман.

Сен урушни билмайсан, Кинода нитирик қилмайсан.

Билмаганини яхши, бутам! Сен урушни билмайсан, Назарга ҳам илмайсан,

Қолубки урушдаги жони бир тутам. Итирма миллион қирилдик.

Ўлатуриб тирилдик, Таналарда ҳануз чандиқлар.

Қирғ йил кўёв тўни, Келинчақа зебигардонни Асрар молли сандиқлар.

Қирғ йил ўтди урушдан, Дунёни нари-бери суришдан,

Доғлари қўп совет оиласида. Уруш—энг бадбахт нарса, Чекинар инсон енг шимарса.

Ўлдирайлик уни ҳомиласида.

ЮГОСЛАВИЯ ТОҒЛАРИДА

● ЎЗИНИНГ табарруқ 80 ёшини нишонлаётган, совет адабиётини ривожлантиришда катта хизматлари учун давлатимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланган, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Назир Сафаров бундан қирқ йил аввал Югославия тоғларида гитлерчи бос-

қинчиларга қарши жангларда қатнашиб, ҳужумкор, музаффар жангчиларимизнинг ўтти майдонлардаги нислсиз жасоратлари ҳақида, унчи Украина фронтдаги ўзбек тилида чиқиб турган «Совет жангчиси» газетасига очерк ва лавҳалар ёзиб турган эди. Капитан Назир Сафаров шу газетанинг ҳарбий мухбири эди. Жангчи адиб урушни ғалаба билан тамомлаб, Она-

Ватанга қайтгандан кейин ҳам ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида янги асарлар ёзиб келмоқда.

СУРАТДА: Капитан Назир Сафаровнинг (чапда) 1944 йил ноябрда Югославиянинг Вршцак районда бўлинига қомандири билан учрашган пайти.

Жанггоҳларда унган умидлар

Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Матёқуб ҚўШЖОНОВ Улуғ Ватан урушининг фаол қатнашчиси. Жамоатчи мухбири М. Олимов яқинда олим ҳузурида бўлиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Матёқуб ака, Улуғ Ватан уруши Сизнинг ҳаётигизга қандай таъсир кўрсатган?

— Уруш менинг ҳаётимда жуда катта бурилиш ясаган. Тошовузданги ўқитувчилар тайёрлаш институтининг II курсида ўқирдим, ниятим илгга кириш эди.

Биз фронт ҳаётини Каттақўрғонда, пиеда аскарлар қомандирлари тайёрлаш билим юртида ўқиб билан бошладик. Кейин бизни тўғридан-тўғри Ленинград қамалини ёриб ўтиш жангларига юборишди. Бу ерда 19-дивизия сафиде жангга кирдик. Билим юртидан 500 киши борган эдик, ҳозир шундан бор-йўғи 10 киши тирик қолган.

Ленинград оstonаларида ҳақиқатан ҳам дахшатли жанглар бўлган эди. Шу даражада дахшатли эдикки, жанг линиясини билиб бўлмас эди, овқатсиз, сувсиз ўқиллар орасида ўтирган эсимда. Хайриятки, ёнимда қадрдон дўстим Нафас Раҳимов бор эди (у ҳозир Тошовузда ўқитувчи). Ўша вақтларда жангини тартибларига яхши тушушмас эдик, овқатсиз, сувсиз қолмоқ кетардик, оқопларга топ отиб кетишардик, ким отганини ҳам қўпинча кўрмасдик.

Бир воқеа аниқ эсимда қолган. Нон отиб кетадиган 16—17 ёшлардаги нимжонна рус йигити бор эди. Эмаклаб-эмаклаб солдат халтасида нон судраб келадиганида мизасидан ўқ тегди. Бечора йигит боши қонга бўлиб оқопнинг оғзига йиқилди-ю, қўз олдимда жон берди. Билдикми, бу-снайпер иши. Бу воқеа менинг овчи эканлигимни эсга солди. Думшандан чинакамга қасос олиш учун, унинг ўзини мана шундай аҳволга солиш, мана шундай гунаҳар қилиб ташлаш учун мен ҳам снайпер бўлман, деб қасам ичдим.

Қишқоқда ўн тўрт ёшимдан бошлаб қўён, ўрдак, қорғовул овлар эдим. Бардиқа тилидаги милитинг буларди. Ов деса, бошқа нарса қўзимга кўрнимас эди. Қор ёққан қуналар-ю ухламасдим, уйда мени кутаявериб ота-онанинг қўзи тўрт бўлар эди.

...Ленинград бўсағасидаги Синаково ботқоқлида яна 10—15 кун жанг бўлди. Мен ярадор бўлиб, госпиталга тушдим. Тузалиб чиқад-

орол бор. 1945 йилнинг бошларида шу ерда немисларнинг 22 та дивизияси қуришда қолди. Бизнинг қўшнларимизнинг вазифаси урушиб-урушиб, «ўлка»ни қуришда сақлаб туриш, уларни Берлин томонига ўтказиб юбормаслик эди. Қисиммиз моторлашган бригада бўлгани учун, бутун бу ерда жанг қилсан, эртага 50—100 километр нарига ўтардик. У ерда душманини ваҳимага тушириб, яна олға силжидик.

8 май кечқурун соат 10 ларда: «Бутун бригада қўршовнинг иккинчи томонига ўтиб жангга кириди», деган буйруқ келди. Соат учларда бутун қисм машиналарда жангга отланди. Бизнинг машинамиз генерал машинасининг оқрасида, ундан 10 метрга узоқликда эди. Кетаятиб, бирдан колонна тўхтади. Шу тўхтаганча узок турдик. Тўхташмиш сабабини билмаймиш, солдатмиз-сўрашга ҳаққимиз йўқ. Анчадан кейин генерал Манжури машинасини тушди. Тушди-ю, бор овоз билан: «Товариш, война кончилас», — деб хайқирди. Шундан ғала-ғовулар, хурсандчиликлар, омонга ўқ отишлар бошланиб кетди.

Сўнг тонг отгача шу ерда турдик. Тонгда жангга кириладиган жойга бориб, асирларни қабул қилиб олдик. Биз Буюк Ғалаба кунини мана шундай кутиб олганимиз.

— Энди бир-икки оғиз уруш даврининг бадий адабиётда ақс эттирилиш тўғрисида сўзлаб берайин.

— Менимча, биз гувоҳи бўлган урушнинг ҳақиқий манзарасини Михаил Шолохов ва Константин Симонен асарларида аниқ кўриш мумкин. Ўзбек адабиётида бу манзарани, хусусан, Ойбек ўзининг «Қўёш қораймас» романида жуда таъсирчан, ҳақиқатга мувофиқ келадиган даражада тасвирлаган. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши воқеаларини Н. Сафаров, А. Раҳматов, Шуҳрат ва бошқа адибларнинг турли жанрдаги асарларида ўзининг бадий ифодасини топган.

Уруш ҳақида ва бу даврдаги фронт ортидаги ҳаёт ҳақида ёш ижодкорларимиз ҳам ёзмақдлар. Хусусан, Эркин Вохидовнинг «Нидо», Жамол Камолнинг «Армон» достоялари, Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърй бу мавзудаги энг сара асарлар сирасига кириди. Шундан келиб чиқиб умид қилиш мумкинки, ҳали уруш тўғрисида, уни бутун дахшат ва улдуворлиги, ғалабалари ва фоюмаси билан ақс эттириб беришчиган етук асарлар яратилади...



БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ СОҲИЛИДА

● СИЗ кўриб турган фото 1944 йил феврал ойда Польшада, Болтиқ денгизи соҳилида олиingan. Суратда 2-Белоруссия фронтдаги ўзбек тилида чиқиб турган «Фронт ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари, журналисти Шариф Бўлатов ва таниқли жангчи шоир Адхам Ҳамдам 37-гвардиячи ўқчи дивизиянинг қомандири, генерал-майор Собир Раҳимов билан учрашган вақти тасвирланган. Машҳур саркарда, ҳамюртимиз

Собир Раҳимов дивизияси Нарев дарёсини кечиб ўтиб, унинг ўнг қирғоғини ағаллашда ва гитлерчи қўшнларнинг Шарийк Пруссиядаги катта гуруҳларининг йўлини тўсиб, уларни қуришб олиб, таслим этишда катта жасорат намуналарини кўрсатганди. Ўзгача ва журналистлар 37-гвардиячиларнинг жанг майдонларидаги жасоратларини ёзиш учун улар қисмига тез-тез бориб турардилар.

ВОДИЙ ХАНДАСИ

Тошкентликларга ўз санъатини намойиш қилишга келган «Марғилон хандаси» ансамблининг концерти нар-най-сурий садалари билан бошланди. «Ассалом» қўш-ғини маҳорат билан икром этган хор коллективининг чиқиши қарсақлар билан ол-қилди.

Машҳур қизикчи Юсуф-жон Шакаржоновнинг ўғил-лари Зайнобиддин ва Мада-минжон Юсуповлар кулги ва шодлик кечасини давом эттирдилар.

Турмушимиз фаровон-лашиб борса ҳам тўқлиққа шўхлик қилиб, бойлиққа янада ружу қўяётганлар то-пилиб қоляпти, — деб сўз бошлади Зайнобиддин ака. — Келинг, дўстлар камчи-ликларимиз ҳақида очинча-сига гаплашайлик. Ахир қингир ишининг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб бекиз айтишмайди.

— Жуда тўғри, — деб тасдиқлади телеминистр артисти Сиддиқ Шераев ва бадиий сўз устаси Орифшон Усмонов.

— Кечагина бозорга туш-ган эдим, — давом эттир-ди Зайнобиддин ака. Не кўз билан кўрайлик, укам қўлти-ғига бир нарсани қистириб чайқовчилик қилляпти, су-риштирсам туғли экан.

— Сизни размерингиз ака, юз сиз берингиз, олиб нега-верингиз, — дейди.

— Сал арзонроқ бўлмай-дими? — дедим.

— Э, қанақасиз, олмасан-гиз йўлингиздан қолманг,

КАТТА ТЕАТР САҲНАСИДА

● АЛИШЕР Навоий но-мидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг ижо-дий коллективи Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрна-тилишига бағишланган «Фи-дойилар» операсини томоша-бинлар эътиборига тақдим қилди. Мазкур асарга та-ниқли композитор С. Бобоев музика ёзган бўлиб, уни ре-жиссёр О. Узоқов саҳнага қўйди.

СУРАТЛАРДА: ана шу операдан кўринишлар; Зул-фия ролда (юқорида) ак-триса Ш. Тахтабоева, Суб-хонқул — Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Ҳ. Кичимбоев.

А. Рисквев фотолари. (ЎзТАГ).



ҚИШЛОҚЛАРДА САВДО ХИЗМАТИ ҚАНДАЙ?

РАЙОН матлубот жами-ятларида 1985 йил январь-мартда чакана товар оборо-ти планининг бажарилиши тўғрисида 18 мартагача бўл-ган маълумот (квартал то-пиширигига нисбатан процент ҳисобида):

Бекobod	84,3
Коммунистик	83,1
Паркент	81,5
Калинин	79,7
Вўна	79,5
Вўстонлик	78,8
Ўрта Чирчиқ	77,9
Янгийул	77,3
Оққўрғон	77,1
Тошкент	76,9
Оржоникидзе	76,7
Пискент	76,7
Чиноз	76,6
Охангарон	75,2
Ғалаба	70,2
Область бўйича:	78,1

ҚўКЛАМГИ дала ишлари бошланганда ҳозирги кун-ларда қишлоқ кооператорла-рининг асосий диққат-эъти-бори колхоз ва совхоз ме-ханизаторларининг товар ва маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга қаратилмоғи за-рур. Маълумотдан кўриниб турибдики, Оржоникидзе, Пискент, Чиноз, Охангарон, Ғалаба районлари матлубот жамиятлари товар обороти планларини бажаришда анча оқда қолмоқдалар.

Қишлоқларда савдонинг ях-шилаш, ўз маҳсулотларини (нон-булка, кондитер, кули-нария, миллий маҳсулотлар, ярим фабрикатлар) ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хиз-мат маданиятини ошириш, биринчи кварталда чакана товар обороти бўйича план ва социалистик мажбурият-ларнинг бажарилишини таъ-минлашга қаратилган қўш-имча тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

БОЛАЛАР УЧУН

ТУИТЕПА шаҳар мар-казида музика мактаби фой-даланишга топширилди. Мактабда фортепиано, ак-кордеон, баян, торли ва пуфлаб чалинадиган халқ чогу асослари класслари бор. Мактаб 320 ўқувчига мўжалланган. Беш йиллик мўжайида област колхоз ва совхозларида, район ва шаҳарларида 39 та музика мактаби очилди.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ВЕЛОСПОРТ

Тошкентда Ўзбекистон би-ринчилиги учун трек мусоба-қалари бўлиб ўтди. Кўп кун-лик пойгада жинжалчи Ва-лерий Корчагин чемпионлик шарафига муассар бўлди.

РЕПОРТАЖ

Ушанда ҳам роса шарманда бўлиб қолганимиз ҳақида эшитганимиз.

— Очиқроқ гапирингиз, ни-мани эшитганимиз?

— Айтсам айтавераман-да.

...Аслини давом этди. Унга ансамблининг хушовоз хонандлари Фотимахон Аъ-замова, Иброҳимжон Исҳо-қов, Алижон Мамажоновлар ижросидаги халқ лапарлари, классик қўшиқлар уланиб кетди.

Танафус вақтида про-грамманинг сценарий авто-ри Ҳамид Усмонов билан суҳбатлашдик.

— Бундан олтимиш йил аввал марғилонлик машҳур қизикчи Юсуфжон Шакар-жонов ана шундай ансамбль ташкил қилган эди, — дей-ди Ҳ. Усмонов. — Биз ҳа-вадор ешлардан, санъатга илҳос қўйган турли касб эга-ларидан «Марғилон ханда-

си» ансамблини янгидан ташкил этиб ўша анъанани давом эттиришга қарор қил-ди. Бу коллективга турли соҳа кишилари — врачлар, педагоглар, студентлар би-рлашган. Ёш сўз усталари, аскиячиларга Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар ижидан ердан беришайпти. Қизларга рақсларни саҳна-лаштиришда Ўзбекистон ССР халқ артисти Гаҳар-хоним Раҳимова бош-қош бўлди. Ансамблининг бадиий раҳбари Мамасиддин Мада-лиев.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг таш-кил қилинган ушбу бадиий ҳаваскорлик коллективи ҳаётида учраб турадиган иллатлар ва нуқсон-ларни фойда эълан қилди. Чарқовчи, ваъдасиз, мансаб-паразит, порахўрларнинг об-рларини қиёмга етказиб томошабинга намойиш қи-лаётган санъаткорлар халқи-мизнинг унутилиб бораётган лапарлари, ҳажвий қўшиқ-ларини ҳам қайта тиклаёт-дилар.

Шу кун Я. М. Свердлов но-мидаги концерт зали саҳна-сида ёш хушовоз хонанда-лардан Юлдузхон Усмонова, Ойнахон Бурхонвалар ижро-сида янграган катта ашула ва лапарлар ҳам томошабин-ларнинг давомли қарсақла-ри билан олқишланди.

А. НОСИРОВА.

ЖАХОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ШОНЛИ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ВАРШАВА, 18 март. (ТАСС). Польшанинг шимо-лий ерларини фашист бос-қинчилардан озод қилиш учун олиб борилган жанг-ларнинг 40 йиллиги муно-сабати билан Польшада та-таналар бўлиб ўтди. Таан-наларда ПБП Марказий Комитетининг биринчи сек-ретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Яру-зельский қатнашди.

В. Ярузельский Миросла-вец деган шаҳарда жамо-атчилик вакиллари, Польша қўшини жангчилари ва уруш ветеранлари билан учраш-да нутқ сўзлаб, совет ҳамда поляк жангчилари мамла-

катининг шимолий районла-рини озод этиш учун елка-ма-елка жанг қилиб, мард-лик ва қаҳармонлик кўрсат-ганликлари татқиқлади. Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг ҳамда гарбий ва шимолий ерлар Польшага қўшилганлигининг 40 йил-лиги байрам қилинадиган йилда, деди у биз умумий душманга — гитлерчилик фашизмга қарши, инсоният-нинг порлоқ келажиги учун курашда ўз жонини фидо қилган кишиларни хотирлаб бoш эгазим.

Совет Иттифоқи, деди ПХР раҳбари, Польша му-стақиллиги ва хавфсизлиги-

нинг, унинг давлат чегара-лари бузилмаслигининг ишончли гаровидир. Биз СССР билан иттифоқ ва ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамлаверамиз. Кескинлиги юмшатиш ва тинчлик ишлари мустаҳкам-лаш учун актив курашини, ПХР меҳнаткашлари манфа-атларига хизмат қилиш — ПБП билан Польша давлат-тининг бурчидир.

В. Ярузельский совет ва поляк жангчилари шарафига ўрнатилган обиди лойига гулчамбар қўйди, ҳарбий шон-шўҳрат музейи очили-шига бағишланган маросим-да қатнашди.

СУДАН ХУКУМАТИДАГИ ЭЪГАРИШЛАР

ХАРТУМ, 18 март. (ТАСС). Судан президенти Ж. Нимейри мамлакат му-дофиа министри ва халқ қу-ролли кучлари олий бош қў-мондон ваколатини ўзидан соқит қилди. Бу ерда эълон қилинган декретта мувофиқ ана шу лавозимларга Абдул Раҳмон Синар Ад-Дағаб та-йинланди. Бошқа лавозим-ларга ҳам янги кишилар та-йинланди. Ар-Рашид Ат-То-хир Вакар Суданнинг сиёсий ва юридик ишлар масала-лари билан шугулланувчи янги вице-президенти бўл-ди. Ас-Сир Ҳасан Башир бошчилигида янги авиация ва туризм министрлиги таш-кил этилди.

ЭРОН - ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 18 март. (ТАСС). «Давла дарёсидан шарқроқдаги» участкада шиддатли жанглар давом эт-моқда. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг наватба-даги ахборотида хабар қили-нишча, бугун Ироқ қисмла-ри Эрон қўшинларининг по-зицияларига ҳужумни давом эттирган ва 11 мартдан 12 мартга ўтар кечаси Ироқ-нинг Амар шаҳридан жа-нубдаги Хувайза ботқоқли-гини кечиб ўтган душман-нинг санжита дивизиясини тор-мор қилган. Душман ди-визиялари Ироқ армияси Ра-шид райони, шунингдек Хамаюн аҳоли пунктдан шимолидаги территория устидан назорат ўрнатган. Эрон томонининг асарлари ва техникаси — катта тала-фот етказилган. Ироқнинг ИНА агентлиги хабар бери-шича, сўнгги жанглар да-вомида душмanning солдат ва офицерлардан жами 15 минг киши ўлдирилган ва ярадор қилинган.

МИНИСТЕРСТВО ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РСФСР СУРСКИЙ СУКОНЫЙ КОМБИНАТ



Сурсдаги «Красный Октябрь» мовут комбинатининг махсулоти.

Сирти тарам-тарам (велюр) йўлли тоза шерсть драп ҳам, албатта, сизнинг диққатингизни тортади. Бу газмолнинг бой ранглар жилоси ўзингиз ёқтирганни тан-лаш имконини беради.

Бу газмоллардан тиктирилган пальтода сиз ўзингизни ҳамма вақт замонавий ҳис этасиз! Сурс мовут комбинати ишлаб чиқараётган газмоллар-ни давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинла-ридан харид қилиш мумкин.

РСФСР МИНТЕКСТИЛЬПРОМИННИНГ РЕКЛАМА БУЛИМИ. «ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» Тошкент трестининг 25-КОЛХОЗЛАРАРО ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ ЛАШАНГА КОЛОННАСИГА пиевматик ҳаракатта келу-чи крапильнинг машинаста-ри, «Б» пункти бўйича ав-тотранспортини бошқариш ҳу-қуқи ага бўлган автокранчи-лар, «Б» пункти бўйича «КамАЗ» маркасидаги оғир тўрақлиги автомобил-ларнинг ҳайдовчилари

КЕРАК

Уй-жойга муҳтож кишилар турар-жой билан таъминла-надилар.

Бизнинг адрес: Тошкент област, Оржоникидзе райо-ни, Тузель қишлоқ совети, Чинкелди посёлкаси (метро нинг «М. Горький» станция-сидан «Чинкелди-Халқа йў» автобусига ўтирилади).

Н. И. ВАВИЛОВ НОМЛИ БУТУНИТИФОҚ УСМИЛШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ УРТА ОСИЕ ФИЛИАЛИ вавант ваифафалар КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ рапс бўйича катта илмий ходим (илмий даражасиз), махсусхўхори бўйича кичик илмий ходим.

Конкурс мuddати — 6 ап-релгача.

Ҳужжатлар қўйидаги ад-рессга юборилсин: Тошкент област, Оржоникидзе райо-ни, «Ботаника» почта бўлими.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУТУН

МОСКВА-1, 9.00 — Время. 9.40 — Ғалаба стратегияси. 1. Фильм. 10.55 — Ўсмирлар ижоди. 11.20 — Саёхатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Ян-гилликлар. 15.20 — Телефильм-лар. 16.05 — Стадион ҳамма учун. 16.40 — БАМ курилиши давоми. 17.00 — Кино-журнал. 17.10 — Мухбирлар — Биргаликда ахил оламиз. 18.00 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 — Сиз яратган бoғ. 19.15 — Дунё ноёвлари. 19.35 — Мультифильм. 19.45 — Васнецов. «Илья Муромец». «Барселона» (Испания). 20.25 — Театр на замон. 20.30 — Время. 22.00 — Футбол Евро-па чемпионларининг кубогини «Днепр» (Днепропетровск) — «Вордо» (Франция). 23.45 — Дунё ноёвлари.

МОСКВА-II, 9.00 — Гимнасти-ка. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Астрономия. 10.05 — Немис тили. 11.35 — Тарих. 12.05 — Фан ва тур-муш. 13.10 — Илмий-оммабоп фильм. 13.55 — Қишлоқ янги-ликлари. 14.55 — Драматургия на театр. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Оғалар нукта назаридан. 19.15 — Телефильм. 20.30 — Муль-тифильм. 20.45 — Ҳамдуст. 21.30 — Время. 22.00 — Кол-ган бутун умр мобайнида. Ва-дий фильм. 2-серия. 21.30 — Финика. 12.00 — Рус тилида сўзлашувга ўргатини. 12.30 — Химия. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Свето-римиз ҳинди қилиди. 17.40 — Биргаликда ахил оламиз. 18.00 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 — Сиз яратган бoғ. 19.15 — Дунё ноёвлари. 19.35 — Мультифильм. 19.45 — Васнецов. «Илья Муромец». «Барселона» (Испания). 20.25 — Театр на замон. 20.30 — Время. 22.00 — Футбол Евро-па чемпионларининг кубогини «Днепр» (Днепропетровск) — «Вордо» (Франция). 23.45 — Дунё ноёвлари.

ТОШКЕНТ-1, 9.00 — 16.15 — Москва-1. 18.00 — Биология. 18.30 — Адабиёт. 19.00 — И. С. Вахнинг 300 йиллиги. 19.35 — Тошкент янгиликла-ри. 20.15 — Халқ масорати саҳифалари. 21.00 — Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш умуумхалқ иши. 21.30 — Мос-ква-1.



Р. РЕЙГАННИНГ КАНАДАГА ВИЗИТИ

КВЕБЕК, 18 март. (ТАСС мухбири). «Рейган, уйингга жўнаб қол», «Рейган, кис-лотали ёмғирларни тўхтати», «Канада сотиладиган мам-лакат эмас» — бу ерга рас-мий визит билан келган президент Рейганни мингала-нада канадаликлар ана шундай широрлар билан кутиб олди-лар.

Рейганнинг Канада рас-мий шахслари билан олиб борадиган музокаралари-нинг кун тартибига икки то-моилма муносабатларга оид масалалар — «кислотали ём-ғирлар» деб аталган «ём-ғирга» тааллуқли проблема, ҳарбий соҳадан ҳамкор-лик, савдо-сотиқ муносабат-ларига оид масалалар ҳам, шунингдек Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабат-лар, қурул-яроғлар устидан контроллик каби ва бошқа баъзи халқро қўламдаги масалалар ҳам киритилган.

Канада Бош министри Маурин айтганидек, икки томонлама муносабатлар чо-ғида «кислотали ёмғирлар» проблемасига асосий ўрин ажратилмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзи-шича, бу масала аллақачондан бўёб Канада — Америка му-носабатларида «асабни буза-ётган энг жиддий омил» бў-либ келмоқда. Гал шунданки, АКШ санаот корхоналари-нинг айби билан захарли чўйиндиларнинг ярми Кана-да территориясига тушиб,

ЧАДДА ШИДДАТЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

ПАРИЖ, (ТАСС). Чад-нинг жанубида Хабре қў-шинлари билан ғарбпараст режимга қарши курашаётган қўзғолончиларнинг оғра-длар ўртасида шиддатли тў-қнашувлар бўймоқда. Франс Пресс агентлигининг Нжа-менадан хабар қилишича, ўрта Шар ва шарқий Ло-гоне префектураларида ай-ниқса кучли жанг ҳаракат-лари авж олиб кетди. Чу-нончи ўрта Шардаги йирик марказ — Сархга Хабре не-

ТЕННИС

Тошкентда ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Команда ҳисобида ди-намич ўсмирлар ва спар-тачи қизлар биринчи ўрин-ларни эгалладилар. Кеча эр-каклар ва аёллар ўртасида республика кубоги мусобақа-лари бошланди.

ШАХМАТ

Пойтахтимизда аёллар ўр-тасида Ўзбекистон чемпи-онлиги давоми эълон қил-ди. 21 энг кучли шахматчи қатна-шди. Турт турдан сўнг 3,5 очко жамгарган чирчиқлик спорт мастерлигига номзод Инга Шафаргалнева пешча-дамлик қилмоқда.

КОМИН-ТАСС ФОТОСИ.

қуч синашиб, биринчи ўрин-ни олди.

ОФИР АТЛЕТИКА

Анджон областининг Со-ветобод шаҳрида Ўзбекистон шахсий-команда биринчили-ги ўтказилди. Унда чирчиқ-

ЛИК А. ШИНГОВ

110 кило-граммгача вазнда қатнашиб, икки кўтаринида 415 кило-грамм натижа кўрсатди ва республика рекордини ўрнат-ди. 110 килограммдан ортқ вазн тоифасида Бўстонлик райондан М. Кибб чемпион бўлди. Областида яна бир вакили В. Эмирусинов 67,5 килограммгача оғирликда бўлган спортчилар ўртасида

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" / ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари —335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; санаот, капитал курилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет курилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелье-тонлар—325556; фотомухбир—325894.

РЕДАКТОР Н. НАСИМОВ.

ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12